

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ТАЪМИНОТИ ИЛМИЙ- ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
МАРКАЗИ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОШОҚЛИ  
ДОН, НОАНЪАНАВИЙ ВА МОЙЛИ ҲАМДА ОЗУҚА  
ЭКИНЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
АСОСИДА ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ МАҚОЛАЛАР  
Т Ў П Л А М И**

**2020 ЙИЛ 26 МАЙ**

**Андижон - 2020 йил**

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Коданев И.М. Повышение качества зерна. – М., 1976 – 304 с.
2. Мослов М.В. Физиологические основы применения минеральных удобрений. – М., 1979 – 256 с.
3. Панников В.Д., Минеев В.Т. Климат, удобрение и урожай. – М., 1977. – 414 с.
4. Ремесло В.Н., Созинов А.А., Туртин Н.В. Проблема повышения качества зерна. – М., 1977. – с. 292.
5. Созинов А.А. Урожай и качество зерно. – М., 1976. – 63 с.

УДК: 633.85; 631.84

#### КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

А.М.АБДАЗИМОВ

Н.Ф.МИРЗАЕВ

ДДЭИТИ Қашқадарё филиали

**Аннотация.** Қашқадарё вилоятининг чўл минтақалари шароитида соя экинининг хориздан келтирилган навларига нисбатан маҳаллий навлари минтақа тупроқ иқлим шароитларида яхши ўсиб ривожланиши аниқланди.

**Калит сўзлар.** Соя, нав, ўсимлик бўйи, ўсиш, ривожланиш, ўсиш динамикаси, ўғит, меъёр.

**Аннотация.** В данной статье приведены данные о проведённых исследованиях в ходе которых определилось, что местные сорта сои хорошо росли и развивались в почвенно-климатических условиях степных зон Кашкадарьинской области, по сравнению с зарубежными сортами сои.

**Ключевые слова.** Сои, сорт, высота растения, рост, развитие, динамика роста, удобрение, норма.

**Annotation.** This article presents data on the conducted research in the course of which determined that the local soybean varieties are good for the rosma and developed in the soil and climatic conditions of the steppe zones of the Kashkadarya region, compared with the foreign soybean varieties.

**Key words.** Soy, varietal, plant height, growth, development, growth dynamics, fertilizer, norm.

**Қириш.** Соя ўзининг ишлатилишидаги кўп тарафламалиги бўйича деҳқончилик тизимидаги барча ўсимликлар орасида тенгсиздир. Чунки, унинг дони таркибида юқори сифатлик, аминокислаталар билан таъминланганлик жиҳатидан гўшт, сут, тухум каби энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тенглаша оладиган 28-52 фоиз оксил, 18-27 фоиз экологик тоза ўсимлик мойи кўплаб минерал тузларни, дармондориларни сақлаши билан алоҳида аҳамият касб этади. Соянинг лизин, метионин, аргинин, лейцин ва бошқа энг зарур аминокислоталарга бойлиги бўйича қатор озиқ-овқат маҳсулотлари билан тенглаша олади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Соя дунё деҳқончилигида энг қадимги экин бўлиб экила бошланганлигига 6000 йилдан ошди. Н.И.Вавилов

(1935-1965 й) ва унинг дастлабки генетик маркази сифатида шимолий-шарқий Хитой ҳисобланади.

О.Мирзаев, А.Тагаевлар (2017 й) маълумотларига кўра, Андижон вилояти табиий иқлим шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонларда соянинг эртапишар ва ўртапишар навларини экиб ундан дон ҳосили олиш мумкинлигини аниқлаган. Соя экинидан юқори ҳосил олиш учун барча агротехнология жараёнларини энг мақбул муддатларда юқори сифатли бажариш талаб этилишини таъкидлаб ўтганлар. Шундагина тупроқ унумдорлиги сақланиб, кейинги экинлар учун қулай шароит яратилишини кўрсатилган.

Г.Тангилова (2017 й) маълумотларига кўра, Краснодар ўлкасидан келтирилган соя нав намуналарини ўрганилиши натижасида нав хусусиятлари, тупроқ-иқлим шароити ва агротехнологик тадбирларни қўлланиши нав намуналарининг биометрик кўрсаткичларига сезиларли таъсир этишини аниқлади. Ўтказилган тажриба натижасида соянинг эртапишар Селекта-201 ва ўртапишар Селекта-302 навларида энг юқори натижалар қайд этилган.

1- жадвал

Тажриба ўтказиш тизими.

№	Навлар	Вариантлар	Маъдан ўғитлар меъёри соф холда, кг/га			Хайдов остига ёки экиш, экишдан аввал ер тайёрлашда, кг/га		Шона лаш даврида, кг/га	Гуллаш дуккак-лаш даврида, кг/га
			N	P	K	P	K	N	N
1	Тўмарис Ман-60	1	0	90	60	90	60	0	0
		2	60	90	60	90	60	20	40
		3	90	90	60	90	60	30	60
		4	120	90	60	90	60	40	80
		5	150	90	60	90	60	50	100
2	Ойжамол	1	0	90	60	90	60	0	0
		2	60	90	60	90	60	20	40
		3	90	90	60	90	60	30	60
		4	120	90	60	90	60	40	80
		5	150	90	60	90	60	50	100
3	Селекта-201	1	0	90	60	90	60	0	0
		2	60	90	60	90	60	20	40
		3	90	90	60	90	60	30	60
		4	120	90	60	90	60	40	80
		5	150	90	60	90	60	50	100
4	Амиго	1	0	90	60	90	60	0	0
		2	60	90	60	90	60	20	40
		3	90	90	60	90	60	30	60
		4	120	90	60	90	60	40	80
		5	150	90	60	90	60	50	100

**Тадқиқот методологияси.** Ҳар бир навни 5 та вариантда, тажрибада азотли ўғитни 1-вариант азотли ўғитсиз, 2-вариант азотли ўғит соф холда 60 кг/га, 3-вариант азотли ўғит соф холда 90 кг/га, 4-вариант азотли ўғит соф холда 120 кг/га, 5-вариант азотли ўғит соф холда 150 кг/га миқдорида, фосфорли ўғит соф холда 90 кг/га, калийли ўғит соф холда 60 кг/га фонида ўрганилди.

Минерал ўғитлардан фосфорли ва калийли ўғитларни белгиланган йиллик меъёрини 100 фоизини хайдов остига ёки экиш, экишдан аввал ер тайёрлашда берилди. Азотли ўғитнинг белгиланган йиллик меъёрини 30-35 фоизини соянинг шоналаш фазасида, қолган 65-70 фоизини тўла гуллаш-дуккаклаш фазаларида берилди (1-жадвал).

**Таҳлил ва натижалар.** Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида олиб борилди (2-жадвал).

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида соянинг тўла пишиши навлар ва озиклантириш вариантларига кўра кескин фарқ борлиги кузатилди. Амиго навида тўла пишиш назорат (ўғитсиз) вариантыда 2 августда қайт этилиб 104 кунни ташкил қилган бўлса, азотли ўғитлар миқдорини ҳар 30 кг га оширилганда тўла пишиш даври 2-3 кунгача кечикиб, азотли ўғит меъёрини 150 кг/га гача оширилганда 10 август куни пишиб ўсув даври 113 кунни ташкил қилди. Худди шунингдек Селекта-201 навида ҳам озиклантириш меъёрларига мос равишда тўла пишиш 29 июл ёки ўсув даври 99 кундан 8 август ёки 109 кунни ташкил этди.

Тўмарис Ман-60 навида тўла пишиш назорат (ўғитсиз) вариантыда 21 августда қайд этилиб, ўсув даври 121 кунни ташкил қилган бўлса, азотли ўғитлар миқдорини ҳар 30 кг га оширилганда тўла пишиш даври бироз узайиб, азотли ўғит меъёрини 150 кг/га гача оширилганда 2 сентябр куни пишиб, ўсув даври 132 кунни ташкил қилди.

Ойжамол навида навлар орасида нисбатан кечпишари бўлиб, тўла пишиш назорат (ўғитсиз) вариантыда 2 сентябрда қайд этилиб, ўсув даври 132 кунни ташкил қилган бўлса, азотли ўғитлар миқдорини ҳар 30 кг га оширилганда тўла пишиш даври бироз узайиб, азотли ўғит меъёрини 150 кг/га гача оширилганда 10 сентябр куни пишиб, ўсув даври 140 кунни ташкил қилди.

**Турли меъёрларда азотли ўғитларни қўллашнинг соя навларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири**

Т/р	Навларнинг номи	Вариантлар	Экилган муддат, сана	Униб чиқиш, сана	Шоналаш, сана	Гуллаш, сана	Дуккаклаш, сана	Пишиш, сана	Ўсув даври, кун
1	Тўмарис Ман-60	1	6.апр	22.апр	4.июн	8.июн	12.июн	21.авг	121
		2	6.апр	22.апр	4.июн	7.июн	12.июн	26.авг	126
		3	6.апр	22.апр	2.июн	7.июн	12.июн	28.авг	128
		4	6.апр	22.апр	4.июн	10.июн	9.июн	30.авг	130
		5	6.апр	22.апр	4.июн	12.июн	7.июн	2.сен	132
2	Ойжа-мол	1	6.апр	22.апр	2.июн	9.июн	14.июн	2.сен	132
		2	6.апр	22.апр	3.июн	8.июн	14.июн	4.сен	134
		3	6.апр	22.апр	2.июн	8.июн	14.июн	7.сен	137
		4	6.апр	22.апр	2.июн	9.июн	12.июн	8.сен	138
		5	6.апр	22.апр	3.июн	9.июн	14.июн	10.сен	140
3	Селекта-201	1	6.апр	21.апр	7.май	13.май	19.май	29.июл	99
		2	6.апр	21.апр	7.май	12.май	19.май	2.авг	103
		3	6.апр	21.апр	7.май	13.май	19.май	5.авг	106
		4	6.апр	21.апр	8.май	13.май	19.май	7.авг	108
		5	6.апр	21.апр	7.май	12.май	19.май	8.авг	109
4	Амиго	1	6.апр	20.апр	4.май	12.май	13.май	2.авг	104
		2	6.апр	20.апр	2.май	9.май	14.май	4.авг	107
		3	6.апр	20.апр	5.май	9.май	13.май	6.авг	109
		4	6.апр	20.апр	4.май	9.май	13.май	8.авг	111
		5	6.апр	20.апр	04.май	08.май	14.май	10.авг	113

**Хулоса.** Қашқадарё вилоятининг чўл минтақалари шароитида соя экинининг хориждан келтирилган навларига нисбатан маҳаллий шароитларда яратилган навлари минтақа тупроқ иқлим шароитларида яхши ўсиб ривожланади.

**Фойдаланилган адабиётлар (References)**

1. О.Мирзаев, А.Тагаев. “Такрорий экин сифатида соя етиштириш агротехнологияси”. Агроилм. 2017 й. № 5, 32-33 бет. (O.Mirzaev, A.Tagayev. Agrotechnology of soybean crops as a secondary crop. Agroilm. 2017 y. № 5, 32-33 pp.)

2. Г.Тангилова. “Краснодар коллекция нав намуналарининг биометрик кўрсаткичлари”. Республика илмий-амалий конференцияси 22 декабрь 2017 йил. 116-118 бет. (G.Tangirova. Biometric indicators of Краснодар collection varieties. Republican scientific and practical conference December 22, 2017. 116-118 pp.)

41.	<i>А.М.Абдуазимов, М.Б.Вафоева.</i> Илдиздан ташқари озиклантиришнинг кузги буғдой барглар таркибидаги хлорофилл миқдорига таъсири.	151-154
42.	<i>А.М.Абдуазимов, Ш.Ш.Сарманов, Н.Ф.Мирзаев.</i> Соянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва биологик хусусиятлари.	154-158
43.	<i>М.А.Рахимов, А.М.Абдуазимов, Б.А.Рахимов.</i> Фосфорли ўғитлар қўллаш усул ва меъёрларини кузги буғдой дон ҳосилига таъсири.	159-163
44.	<i>А.М.Абдуазимов Н.Ф.Мирзаев.</i> Қашқадарё вилоятида азотли ўғитларни қўллашнинг соя навларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири.	163-166
45.	<i>Ф.Жабаров.</i> Ўғитларни турли чуқурликда қўллашнинг кузги буғдойни ўсув даври давомийлигига таъсири.	167-171
46.	<i>Ш.Д.Дилмуродов, Н.Ш.Каюмов.</i> Суғориладиган майдонларда етиштирилаётган юмшоқ буғдойнинг янги навларини синаш кўчатзорида фенологик кузатув натижалари.	171-174
47.	<i>Ғ.Узақов.</i> Кузги буғдой уруғларини кеч муддатда экилганда дон ҳосилдорлигига экиш усулларининг таъсири.	174-178
48.	<i>З.Зиядуллаев, А.Файзуллаев, Э.Зиядуллаев.</i> Юмшоқ буғдой ҳосилдорлигининг қишга чидамлик хусусиятига боғлиқлиги.	178-181
49.	<i>Ш.Дилмуродов, Н.Хўжамов.</i> Дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган донор нав ва тизмалар.	181-184
50.	<i>Ф.Мамадиёров, С.Нортोजиев.</i> Аралаш экин сифатида бахорги юмшоқ буғдойнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги.	184-187
51.	<i>Ш.У.Хазраткулова, Д.Жўраева, Н.Э. Қобилов.</i> Янги навларни яратишда қимматли хўжалик белгиларининг аҳамияти.	187-191
52.	<i>Х.Р.Тогаева.</i> Кузги юмшоқ буғдой нав ва тизмаларнинг иссиқликка бардошлилигини баҳолаш.	191-194
53.	<i>Д.Т.Жўраев, Н.Н.Шабарова.</i> Буғдой нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлик ва ўсув даври кўрсаткичлари.	194-197
54.	<i>З.Зиядуллаев, Д.Жўраева.</i> Янги яратилаётган буғдой навларини маҳсулдорлик унсурлари.	197-201
55.	<i>О.С.Амиркулов, Д.Х.Аминова.</i> Кузги буғдойни сифатли суғориш ва сувнинг ўсимлик ҳаётидаги муҳим аҳамияти.	201-204